Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320694

ta´minlasnning ustivor yo¯nalisnlari´ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

бўлиш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

2. Царев В.В. (2004) «Оценка экономической эффективности инвестиций». – СПб; Питер, – 19 с.

3. Шеремет В.В., Павлюченко В.М., Шапиро В.Д. (1998) “Управление инвестициями” Москва, “Высшая Школа”, 82-83 бетлар.

4. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. (2010) “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. – Т.: 347-б.

5. Щипанов К.А. (2011). Внедрение систем планированияи управления ресурсами предприятия. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/27855/1/ivmim_2011_17.pdf

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ – СОЛИҚ СИЁСАТИ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ ВА ФИСКАЛ СИЁСАТИ

Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Андижон факультети катта ўқитувчиси

Жамиятимиздаги иқтисодий барқарорликни таъминлашда иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет – солиқ сиёсати, уни амалга ошириш мураккаб, долзарб масалалардан биридир.

Чунки ушбу жараён жамиятнтнг ривожланиши учун асосий меъерлардан хисобланади. Ушбу мавзуни ёритиш мақсадида адабиётлар тахлили ўтказилди,унга кура давлат томонидан иқтисодиётнинг сиклик ривожланиши ва крезисларни бартараф этишдаги асосий дастаги бу-давлат харажатларидир. Кенснинг фикрича, уларнинг шакилланиши, тузилиши ва ўсиш, “самарали талаб”га эришишдаги муҳим омилдир.

Шундай қилиб, Кейнс давлат монополистик капиталислик иқтисодиётни тартибга солишда янги молия назариясининг устувор йўналишини ишлаб чиқди. Молиявий сиёсат Кенс издошлари томонидан (Америкада – Р.Харрод, А.Оукен, У.Хеллир, Буюк Британияда – Ж.Байсман, Францияда – Ф.Перру, Японияда – К.Эми, Х.Итолар) амалиётга жорий этилди. Бу 40-60 йилларда иқтисодиётни тартибга солишда ижобий натижаларни берди. 70-йилларгача кўпчилик етакчи ғарб давлатларининг молия назарияси ва амалиёти асосида Кейнс назариясининг қоидалари ётади.

Неконсерваторлар Кейнс таълимотининг айрим камчиликларини топиб, унга қарши ўз концепцияларини илгари сурадилар. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Published: 23.12.2024

Cite this article: Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна (2024). Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет – солиқ сиёсати адабиётлар шархи ва фискал сиёсати. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320694

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

• Неконсерваторлар Кейнс концепциясида инфляциядан ишлаб чиқариш ва бандликни кенгайтиришда фойдаланиш тўғрисидаги фикрига қарши ўзларининг муомиладаги пул миқдорини камайтириш ҳақидаги ғояларини илгари суришти;

• Улар солиқларнинг тез ўсишига қарши чиқиб, бу ишлаб чиқувчилар ва тадбиркорларнинг моддий манфаатдорлигини сусайтириб юборишини кўрсатиб ўтадилар ва таклифни ривожлантириш орқали истеъмолчилик талабини мувозанатлаштириш, солиқларни рационал даражада пасайтириб, эркин хусусий тадбиркорлик ва бозор рақобатини ривожлантириш тадбирларини таклиф этадилар;

• Кейнс концепцияси танқитчилари давлатнинг иқтисодиётга аралашувига қарши чиқиб, давлат фақатгина айрим хизматлар, хўжалик фаолиятини химоя қилиш билан чекланиш керак, деган фикирни илгари сурадилар.

Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқиб, фискал сиёсат бандлик даражасини ва шу орқали ЯИМ реал хажмини оширишга йўналтирилади. Бунда рағбатлантирувчи фискал сиёсат дастаклари бўлиб:

• Давлат харажатларининг ўсиши;

• Солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади;

Бошқача айтганда, хозирги вақтда давлат бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсат иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет тақчиллигини бартараф этиш мақсатларига қаратилиши зарур. Агар давлат ўзининг фискал ва харажатлар сиёсатидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини бир меъёрда ушлаб туршига ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашга интилса, бунда у иқтисодиётни барқарорлаштириш орқали иқтисодий жараёнларини рағбатлантириш ёки ушлаб туришга қаратилган молиявий сиёсат, деб қараш кўп хам тўғри эмас, чунки улар турлича мақсадни кўзлаб бир-биридан фарқланадилар.

Давлатнинг иқтисодий фаолиятини чегаралаш сиёсати ўз навбатида потенциал даражасидан кескин фарқ қилаётган реал ЯММ хажмини камайтиришга йўналтирилган бўлиб, бу айни вақтда давлатнинг иқтисодий ўсиш ва унинг пасайиш даврлари инфляция ва такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги инқирозлардан қочишга қаратилган харакатдир.

Ҳозирги шароитда давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширишнинг қуйидаги вазифаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Фискал сиёсат концепциясининг илмий асосли ёндашувини ишлаб чиқиш. Бу аҳоли истеъмол даражаси, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олишни тақазо қилади;

2. Жорий даврда ва узоқ истиқболда молиявий воситалардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш. Бунда фискал сиёсатнинг концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда кўриб ўтилган мақсатлардан келиб чиқиб, молиявий ресурсларнинг қисқариши ва ўсиш имкониятлари ҳисобга олинади, ташқи ва ички сиёсий – иқтисодий омиллар ҳам ўрганилади;

3. Амалий ҳаракатлар натижасида фискал сиёсат соҳасидаги қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш. Ўз – ўзидан аниқки, иқтисодиётга молиявий сиёсатнинг тўғридан – тўғри таъсири фақатгина шу босқичдан бошланади, бироқ унинг самарадорлиги олдинги икки босқичнинг мазмуни билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг циклли ривожланишини тартибга солиш орқали макроиқтисодий мвозанатликни таъминлаб боришга қаратилган фискал сиёсат бир қатор молиявий восита ва иқтисодий дастаклар ёрдамида амалга оширилади. Қўлланиладиган бу барча молиявий восита ва дастаклар биргаликда тартибга солишнинг молиявий механизмини ташкил этади.

Маълумки, иқтисодиёт назарияси ва амалий ҳаётда фискал сиёсатнинг иккита тури ажратилади:

1. Дискрецион фискал сиёсат ёки бевосита давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсат;

2. Нодискрецион фискал сиёсат ёки автоматик равишта барқарорлаштирувчи сиёсат.

Нодискрецион фискал сиёсат деганда, солиқ интизомининг мустақил барқарорлаштирувчи бир қатор лаёқатлари, яъни унинг мамлакатдаги иқтисодий фаолиятни қандайдир бошқарувчи органларнинг бевосита аралашувларисиз тартибга солиш имкониятини берувчи айрим хусусиятлари тушунилади.

Дискрецион фискал сиёсат – бу миллий ишлаб чиқариш реал хажмларини ўзгартириш, бандлик даражасини ушлаб туриш ва инфляция устидан назоратни ўрнатиш хамда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқлар билан бирга, давлат харажатларини онгли равишда маниполияция қилиш тушунилади.



1-расм. Фискал сиёсат, унинг мақсади ва амалга оширишнинг иқтисодий дастаклари.

Дискрецион фискал сиёсатнинг асосий дастаклари қуйидагилар хисобланади:

- Фақат сарф-харажат билан боғлиқ бўлган ижтимоий ишлар ва бошқа дастурлари;
- Давлат бюртма ва харидлари;
- Давлат инвестициялари;
- Трансферт ёки қайта тақсимлаш туридаги харажатларни ўзгартириш;
- Солиқларни бошқариш;

Шундай экан, фискал сиёсат олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, унинг учта йўналиши, яъни иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий фаолиятни чегаралаш сиёсатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин деб хисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

6. Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. (2004) Управление проектами: Учебное пособие / Под общей редакцией И.И. Мазура.- 3-е изд.- М.: Омега-Л,
7. Проблемы оценки экспортного потенциала предприятия // Научный клуб. URL: http://www.sophus.at.ru (дата обращения: 25.03.2015).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони
9. Царев В.В. (2004) «Оценка экономической эффективности инвестиций». – СПб; Питер, – 19 с.
10. Шеремет В.В., Павлюченко В.М., Шапиро В.Д. (1998) “Управление инвестициями” Москва, “Высшая Школа”, 82-83 бетлар.

РАЗВИТИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАЩИТЫ ЕГО ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Исмоилов Диёрбек Сирожиддин угли
Магистр факультета туризма и экономики Кокандский университет
diorismailov5@gmail.com
Муминова Элнорахон Абдукаримовна
Профессор кафедры «Экономика» Ферганский политехнический институт
e.muminova@ferpi.uz

Аннотация: Статья посвящена анализу развития предпринимательства и обеспечению защиты прав и интересов предпринимателей в Узбекистане. Рассматриваются ключевые реформы, направленные на улучшение бизнес-климата, включая упрощение регистрации бизнеса, оптимизацию налоговой политики, создание свободных экономических зон и меры по поддержке экспортоориентированных компаний. Особое внимание уделено правовым и организационным механизмам защиты предпринимателей, включая деятельность Бизнес-омбудсмена и внедрение цифровых технологий для минимизации бюрократии. Выявлены достигнутые результаты реформ и существующие вызовы, а также перспективы дальнейшего развития предпринимательской среды.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, государственная поддержка, благоприятной бизнес-среда, экономические реформы, экономический рост

В последние годы Узбекистан сделал значительный шаг в направлении стимулирования предпринимательской активности и создания благоприятной бизнес-среды. Эти реформы направлены на обеспечение стабильного экономического роста, развитие частного сектора и защиту прав предпринимателей. Президент страны неоднократно в своих выступлениях делал акцент на необходимость всестороннего развития предпринимательской деятельности в том числе и в целях решени япроблем занятости населения.